

Қамчиқ довонида йўллар тозаланмоқда



А-373"М-39Гулистан-Бўка-Ангрен-Қўқон-Андижонорқали-Ўш" автомобиль йўлининг "Қамчиқ" довонидан ўтган қисми 193-250 км.лар оралиғида қор ёғмоқда.

Қор ёғиб турган пайтда "Қамчиқ" довонида транспорт воситаларининг бетўхтов, икки томонлама харакатланишини таъминлаш учун "Қамчиқавтойўл" ИЙФУК томонидан йўлларни қордан тозалаш ишлари бажарилмоқда. Транспорт воситалари икки томонлама хавфсиз харакатланмоқда.

Йўлларда кўриниш 600 метрни, ҳаво ҳарорати -6 даражада, намлик 85 фойзни ташкил этмоқда. Шамол тезлиги 4-8 м/с. "Қамчиқ" довони йўлидан юрадиган ҳайдовчилардан барча хавфсизлик чораларини кўришларини тавсия қилиб қоламиз.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Ахборот хизмати